

«POSTDA», «НА ПОСТУ» ГАЗЕТАЛАРИ ВА «QALQON», «ЩИТ» ЖУРНАЛЛАРИ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан «Postda» ва «На посту» газеталарини қайта тиклашга қарор қилинган, 1991 йил 1 январда икки тилда алоҳида чоп этилган нашрларнинг илк сони ички ишлар органлари ходимлари ва кенг жамоатчиликка етиб борди. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ИИБ нашрларида ички ишлар органларининг моддий-техник жиҳатдан таъминланиши, амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларни тўлақонли ёритиш борасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Дастлаб тўрт саҳифадан иборат бўлган газеталарни ҳафтада уч марта чиқариш йўлга қўйилди. Таҳририят моддий-техника базаси мустаҳкамланган, саҳифалар сони саккизтага етказилди, кейинчалик эса 16 саҳифада чоп этила бошланди.

1998 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли буйруғи билан «Postda» ва «На посту» газеталари таҳририяти негизида республика ИИБ Бирлашган таҳририяти ташкил этилди. Ҳақиқатан ҳам сентябрь ойида «Qalqon» ва «Щит» журналларини чоп этиш йўлга қўйилди.

Газеталарнинг ташқи саҳифалари, журналлар эса тўла ҳажмда рангли чоп этила бошланди. Газета ва журналларда берилаётган материалларнинг савияси яхшиланди, мундарижаси кенгайтирилди, мақолаларнинг ҳар бир нашр учун алоҳида-алоҳида, айнан бир-бирини такрорламайдиган қилиб тайёрланишига эътибор кучайтирилди, дизайни замон талабларига жавоб берадиган даражага келтирилди.

«Qalqon» ва «Щит» журналларида ички ишлар идоралари ходимларининг машаққатли хизмати, соҳада амалга оширилаётган ислохотларни таҳлилий ёритиш, хорижий давлатлар ички ишлар идоралари тизимлари фаолиятига бағишланган материаллар, суд очерклари, бадий иқтидорга эга ички ишлар органлари ходимларининг ижодидан намуналар чоп этиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таҳририят жамоаси томонидан бир қатор китоблар ҳам нашр этилган. «ИИБ Бирлашган таҳририяти кутубхонаси» туркумида газета ва журналларда чоп этилган қиссалар, ҳикоялар, суд очерклари ва қатралардан иборат «Қопқон», «Бузғун» тўпламлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларига бағишланган «Қаҳрамонлар мангу яшайди» тўплами, рус тилида босмадан чиққан икки жилдлик сара хорижий детективлар шулар жумласидандир.

Айни дамда «Postda» ва «На посту» газеталарининг умумий адади қарийб 70 мингтадан, «Qalqon» ва «Щит» журналларининг умумий адади эса 20 мингтадан ошди.

Газета-журналлардаги ўзгаришлар муштарийларга маъқул бўлмоқда. Таҳририят ижодий жамоаси, тажрибали журналист ва ходимлар ўз олдларига қўйилган вазифаларни бажариш учун бор билим ва тажрибаларини ишга солишмоқда. ИИБ нашрлари бундан-да сифатли ва мазмундор бўлишига эришиш мақсадида бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда фаолият юритишяпти.

Таҳририят манзили: 100070, Тошкент шаҳри Шота Руставели 1-берк кўчаси 9-уй.

Телефонлар: 71-231-33-88

Обуна масалалари бўйича: 71-231-48-81.

Факс: 71-231-33-88.